

Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE

Биринчи кисм

Меҳрибон ва раҳми Аллох номи ила

Обида (ибодатли) Марям

Эй суюклиларим, мен сизларга аввалги киссада Аллох таоло онанинг дуосини қабул қилганидан кейин онаси дунёга келтирган бу солиха аёл ҳақида айтиб бердим ва унинг қандай қилиб Байтул Макдисга келиб қолганини тушунтириб бердим. Уни Закариё алайхиссалом қафилига олади. Бу аёл эса тақволи бўлган обида (ибодатли) аёлдир, албатта, у, мен сизларга эслатганимдек, одамлардан узоқда бўлган бир хонада Аллохга ибодат қиларди, у Аллохга ҳамд айтар, кўплаб неъматлари ва унга Аллох ҳузуридан келадиган ҳар қунги ризқ учун У Зотга тасбеҳ айтарди, биз биламизки, у Закариёга бу ризқ ҳақида ажабланганида шундай деган эди: «**Аллох хоҳлаган кишисига бехисоб ризқ беради**»

Осмондан тушган фаришта

Кунларнинг бирида у Аллох таолога ибодат килаётганида кутилмаган ходиса содир бўлди. У аввал бу каби ходисани билмасди, ўзининг узокда жойлашган хонасида ўтказган кунларида бунга ўхшадини ҳам кўрмаганди. Эй укаларим, бу ходиса қиссамизнинг аввалидир, ҳозир уни билиб оламиз?.. Содир бўлган нарса нима эди? Нима бўлди ўзи? У бирор нарса кўриб қолдимиз? Ёки бирор нарса хақида эшитдимиз? Аллох унга осмондан тушган фариштани юборди, у инсон шаклида келди, худди ўша одамлар каби бир одамдек эди. У нима қиларкин? Бу кутилмаган иш олдида??!

Хавф ва эҳтиёткорлик

Эй суюқлиларим, бу каби ходиса Марям учун янгилик эди, бундан аввал унинг олдида бу кўриниш ва бу шаклда ҳеч ким қилмаганди, у узок вақтдан бери Закариё (алайхиссалом)дан бошқа ҳеч кимни қабул қилмаганди, уни хавф ва хайрат эгаллаб олди ва у титрай бошлади, сўнгра ундан узоклашиш ва қочишга ҳаракат қилди, Аллох номи ила ёмонликдан паноҳ сўради, унинг олдида қирган бу киши адашган осийлардан бўлиб, унга душманлик қилиш учун қелганидан хавфсиради, у барча вақт офият ва тинчликда яшаганди, у мўмина бўлган ифбатли, покиза ва такволи эди. Ўзининг жонидан хавфсиради ва унга бирор азият ва душманлик етишидан қўрқди. Лекин унга нима бўлган экан?

Хушхабар

Осмондан тушган фаришта Марямнинг кўркани ва кочишга харакат килаётганини билди, уни шундай хавфсираган ва кўрккан холда колдирадими? Йўк, эй суюклиларим, у уни тинчланишга ва калби хотиржам бўлишга чакирди, шундай холатда унга айтди: «Кўрмагин, мен осийлардан эмасман ва сенга душманлик килишни хохламайман, Эй Марям, тинчлангин, албатта, Аллох мени сенга жўнатди, албатта, мен осмондан тушган фариштаман, сенинг олдингга Аллохнинг бир ишини хушхабар килиш учун элчи бўлиб келдим, у шуки, сен Ийсо ибн Марям исмли ўгил тугасан, Эй Марям, кўрмагин.

Ажабланиш

Марям бу сўзни эшитиб ажаблариш ва хайратланиш холатига тушиб колди, унинг хайрати ортиб борди!! Нима деяпсиз? У ўзи унга сўзлаётганнинг тушганидан кўрккан эди, лекин унинг сўзлари кўркувини янада ошириб юборди-ку!! Албатта, у фариштадан ўгилнинг хушхабарини олдимми? Ажабо! Мен тугаманми? Масих ибн Марям исмли ўгил тугаманми? Йўк-йўк, бу канакаси? Албатта, у осмондан тушган фариштадир, Аллох уни элчи килиб юборди, у, албатта, ёлгон гапирмайди. Лекин! Иффатли бўлган покиза аёл тугиши мумкинми? Эрга тегмаган, хеч хам бузук ишга якинлашмаган бўлса?..? Албатта, бу ажабланарли! Марям ўзини кўлган олиб, фариштадан бу иш ва унинг ажабланарли холатини сўрашга харакат килди.

Аллох Кодир Зотдир

У фариштага деди: «Мен кандай тугаман? Кандай килиб менинг ўглим бўлади? Мен эрга тегмаганман ва ифбатдан бошқасини билмайман-ку? Хурматли фаришта, бу бўлиши мумкинми? Кандай килиб?» Шу ерда унга бу иш бўлишини билдирувчи жавоб келди, албатта, у осон бўлиб унда кийинчилик йўқдир, чунки у Аллохнинг хохишидандир. Унга фаришта шундай деди: «Эй Марям, Аллох барча ишга Кодир Зот эканини билмайсанми? Билмайсанми, агар Аллох бирор нарсани хохлаسا, албатта, У бу ишга «Бўл!» дейди. Шунда бу иш бўлади-ку!? Албатта, сенинг ўглинг Аллохнинг кудрати ва Аллохнинг изни ила тугилади ва одамларга мўъжиза бўлади, улар бундан олдин бу каби нарсани кўрмаганлар, уларга бешикда ҳам қариган чогида ҳам сўзлайди!!

Кўркинч ва хаяжон

Сўнгра фаришта қайтиб осмонга кетди. Марям эса ўзи қолди, унинг саволи, кўркуви ва хайратини инкор қилган жавобни эшитди, ҳозир эса у хайрати, хаяжони ва кўркуви ортиб бораётган асира эди. У хайратланганича эшитгани ҳақида ўйлаб ўтирарди ва одамлар хомиладор бўлиб ўгил тугадиган Марям ҳақида нима дейишларини ўйлаб қолди? Улар шундай дердилар: «Бу ўгилни қаердан олиб келди? Албатта, у зиноқордир!!» Шундай дейдилар, бу ўгил Аллохнинг ҳузуридан бўлган мўъжиза эканига ишонмайдилар-ку! Йўқ, Йўқ, унга ишонмайдилар, энди нима қилади? Албатта, у хаяжонда эди, албатта, у кўркувда эди, нима қилишини билмасди...

Узокларга

Такволи бўлган Марям Аллохнинг казои-кадарига таслим бўлди ва якин кунларда нима содир бўлишини кутди. У шундай холда экан одамлардан узоклашди, у хакида, унинг иффати ва покизалиги хакида гапирмасликлари учун улардан узоклашди, чунки улар унга ишонмасдилар, балки унга гуноҳ ва ёлгон билан тухмат килардилар, шунинг учун ахли ва кавмидан узоклашди, Аллох азза ва жалла хохлаган иш якунлангунича узокрокдаги уйда яшашни хохлади. Кунлар ўтиб борган сайин унинг хам ташвиши ортиб борарди ва махзунлиги кўпаярди, ўзининг айбсиз эканини кўрсатишга бирор чора йўк эди, бир неча ойдан сўнг бола одамлар кўз ўнгида пайдо бўлар эди, уни ўз кўзлари ила кўрардилар, Марям эса мана шу кунларда таслим бўлишдан ва ўз ишини Аллохга топширишдан бошқасини килолмасди. Шак-шубха йўкки, албатта, унинг такво ва ибодатга одатлангани унинг махзунлик ва гамининг енгил бўлишига хамда у Аллохга иймон келтириб бу торликни Ўзи очиб юборишига ва унинг кўркуви ва хавфи омонлик ва тинчликка айланишига эътикод ила ишонишига сабаб бўлди. Албатта, у ўзининг тугилажак ўгли одамларга мўъжиза бўлишини, у кичик бўлишига карамай дастлабки кунларидаёқ одамларга сўзлашини биларди, бу эса унга поклигини исботлашда ва хакикатнинг намоён бўлишида хамда бу иш одамларнинг тухматларининг зиддига хал бўлишида ёрдам берарди.

Дард (тугиш дарди)

Албатта, у хозир хурма дарахтининг олдида ёлгиз ўзи колган ва осмондан тушган масаланинг ечимига интизор эди. Албатта, унинг бу холати, махзунлиги ва изтиробларини ҳеч ким кўрмаслиги учун одамлардан узокда эди. Дард бошланди!! У бироздан кейин тугишини сизди ва хурмо шохига якинлашди-ю, лекин тугрук ишларида

унга ёрдам берадиган одам тополмади, у ерда тугрукнинг аламларини (огрик) енгиллатадиган одам йўк эди, Эй Карийм бўлган Зот, Ўзинг раҳм килгин!! У билан бирга бирор одам йўк эди, Ё парвардигоро, Ўзинг раҳм килгин. Унга Ўзинг ёрдам кўлингни чўзгин, Ё парвардигоро, унга Ўзинг раҳм килгин, Сен Ўзинг унга ёрдам берувчиларнинг яхшисидирсан.

Тугрук

У куриган дарахтнинг оркасида эди, хозир у егулик ва дориларга мухтож эди, албатта, у бир-бирларига ёрдам берадиган ёрдамчига мухтож эди. Ох! Бу гариблик ва ёлғизликда яна канча қолиб кетаркин? Бу иш яна хаёратланарли ва ажабланарли бўлиб қолаверадими? Йўк, мана шундай холда экан тўлғок ниҳоясига етди, бироздан кейин кийин кечган огриклар ҳам ниҳоясига етади, бунга бир соат ҳам ўтмай, бу кенг оламда чакалок унинг кўз ўнгида ерда йиглаган холда пайдо бўлди, шунда у кичик чакалок билан бирга куриб қолган хурмо томон яқинлашди. Бундан кейин Марям (алайхас салом) нима қилди экан? У чакалокка хасрат ва махзунлик ила қаради ва ўзининг ўлишини ҳамда қабрга қўйилишини ўйлади, отаси йўк бўлган бу чакалокка дунё тор бўларди, у деди:

«Қошки бундан олдин ўлсам эди ва

бутунлай унутилиб кетсам эди».

У хозир нима қилиши хақида ўйлапти? Унинг бу сиқилиши қачон очилади? Хозирми? Ёки узок вақтдан кейинми? Қачон, ё Парвардигоро? У мана шундай холда тугрук, махзунлик ва хасрат асоратларидан азобланиб, ўлимни хоҳлар экан, қулоқлари остида жаранглаган овозни эшитди, у ҳақда ўйлаб қолди, қочишдан тўхтади, овозга эътибор қаратди!! Қаердан у? Албатта, чакалок сўзлапти!! Хозир!! Тугилиши билан!! Нима демокда? У онасига деди: «Эй онажон! Махзун бўлманг, йигламанг, албатта, Аллох сизни унутмайди, бу Унинг ҳузуридан тушган раҳматдир, эй онажон, атрофга назар солинг!! Олдингиздаги кичик булокка қаранг, унинг сувидан ичинг, эй онажон, энди ҳеч қачон чанкамайсиз. Мени мўъжиза қилиб сизга беҳисоб ризқ ила ато этган ва сизни мана шу қурук хурмо дарахтига етаклаган Зот, албатта, Аллохдир, албатта, у сизга Аллохнинг қудрати ила янги пишган меваларини тушириб беради, махзун бўлманг, йигламанг, эй онажон, марҳамат, еб-ичинг, кўзларингиз қувонсин, қалбингиз хотиржам бўлсин, қалбингиз тинчлансин, бир неча кундан кейин бирор одамни кўрсангиз, одамларга дуч келсангиз, кўркманг, уларга шундай деб айтинг:

«Мен Роҳманга рўза назр қилдим. Бугун инсон зотиға зинҳор гапирмасман».

Ёки: «Эй одамлар, мен сизларнинг бирортангиз билан гаплашмайман, мен сизларга гапиришдан рўза тутдим, менга ҳеч гапирманглар. Эй онажон, агар уларга шу сўзни айтсангиз, Аллохнинг хузуридан бир ечим нозил бўлади, Аллох сизни ҳеч унутмайди.

Хозир биз киссани саййидимиз Ийсо (алайхиссалом) сийратининг иккинчи қисмида давом эттирамиз, калбимизда, аклимизда ва тилимизда агар Аллох бирор ишни хоҳласа, унга: «Бўл», дейди ва у бўлади, деган тушунча доимо бўлади. Аллох Одам (алайхиссалом)ни ота-онасиз яратгандир, У Ийсо «алайхиссалом»ни отасиз яратишга Кодир бўлган Зотдир. Вассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

24

Саййидимиз

ИЙСО

алайхиссолату вассалом

Иккинчи қисм

Меҳрибон ва раҳми Аллох номи ила

Икки мўъжиза

Аввалги киссада сизларга мўъжиза бўлган Ийсони Аллохнинг изни ила туккан Марям хакида хикоя қилган эдим. Она Марям Имроннинг кизидир, бола Исо эса Марямнинг ўғлидир, бу киссада сизларга хикоянинг яқунланиши хакида сўзлаб бераман. Расулulloх Ийсо (соллаллоху алайхи васаллам)ни тугиш вақтида Марям кўп азият ва оғриқларни хис қилганини билган эдик, лекин мўъжиза иши унинг маҳзунлигини енгиллатди, Ийсо чакалок Аллохнинг кудрати ва изни ила отасиз тугилганини айтиб ўтган эдим, сўнгра у онаси билан сўзлашган эди (унга ҳам онасига ҳам саломлар бўлсин). Тугилганидан кейин илк соатда онасига хитоб қилиб, албатта, унинг тугилиши ва бешикдаёқ сўзлаши икки катта мўъжиза эканини айтди.

Тугилгандан кейин

У онасига шундай деган эди: «Кавмнинг олдига боринг, одамлар сизни мени кўтариб олган холингизда кўришларидан тўсувчи йўқдир, мен сизнинг ўғлингизман, Аллохнинг кудрати ила дунёга келдим, агар анави одамлардан бири сизни кўриб қолса, у билан мен хақимда зинхор сўзлашманг, балки унга шундай деб айтинг: «мен сўзлашишдан рўзадорман, мен сўзламаслигим керак. Бу билан Марям (алайхиссалом) хотиржам бўлди, унга халоват ва сокинлик қайтди (яъни у тинчланган ва сокин бўлган холига қайтди),

мана шундай холатда у ўзида куч тўплади ва кичик ўглини кўтариб олди, катта мўъжизани кишлогига, ўзининг аввалги бўлган жойи, яъни кавми хозиргача билмаган жойга, Байтул Макдисга кўтариб олиб борди. Унга нима бўлди экан? У билан яна қандай воқеалар содир бўлган экан?

Кутилмаган холат

Марям (алайхиссалом) кичик Ийсони кўтарган холда юриб, хурмо дарахти ва унинг меваларини тарк этди, далалар бўйлаб юрди, бир неча ой аввал тарк этган манзараларига қайтди ва кишлогига яқинлашди, оз соатлардан кейин ўз кавмига етиб келади. Ё Парвардигоро! Унга ўзинг ёрдам бергин! Одамларнинг тилларидан омон қолишда унга панох бергин. Охири Марям (алайхиссалом) етиб келди, одамлар уни икки кўлида кичик чакалок кўтариб олган холда кўрдилар. Шу ерда улар дахшатга тушдилар. Уларга нотаниш бўлган ушбу манзарадан жуда хайратландилар, ким? (Яъни ким бўлди бу?) Марям узок вақт гойиб бўлганидан кейин қайтдимиз? Каерда бўлди экан? У билан бирга ким? Биз нимани кўряпмиз?

Савол-жавоб (суриштирув)

Шундан кейин нима бўлганини биласизларми? Албатта, кавм Марям ва ўглини кўрганларидан кейин ўзаро савол-жавоб қилдилар ва бу ҳамма омма орасида тарқалди, буни ҳамма одамлар билиб олиб олиб хар бир хонадон Марям узок вақт гойиб

бўлганидан кейин кўлида чакалок кўтариб олган холда кайтиб келгани хакида сўзлади. Уларнинг барчалари кайтадан савол-жавоб килдилар, Марям кандай килиб кичик чакалок билан кайтади? У каерда бўлди? Каердан келди экан? Бу чакалокни кавмига олиб келишга кандай журъат кила олди? Уларнинг карашларидан, тиларридаги савол-жавоблардан ва у хакидаги ёмон фикрлаб гумон килинаётганидан Марямни шубха камраб олди.

Марямга

Одамлар бу масаланинг ечимини ва жавобини топа олмадилар ва Марямнинг ўзидан сўрашга қарор килдилар, улар хақиқат ажабланган эдилар, улар Марям ва унинг оиласи хакида ҳеч ёмон сўз эшитмагандилар, уларга жавоб бериши учун сўрамокчи бўлдилар, шундай килиб улар айтдилар: «Эй Марям, сен ёмон иш килдинг!!! Эй Хоруннинг солих бўлганидаги ўхшаши, албатта, сенинг оиланг шарафлидир, отанг фозил кишидир, онанг – солиха, такволи аёл, бу чакалокни каердан олиб келдинг? Сен турмушга чикмагансан ва биз сендан факат яхши ишларни кутганмиз-ку? Кани, сўзла, жавоб бер, эй Марям, кани, бўл.

Мўъжизанинг такрорланиши

Бу кўпол услуб билан улар Марям (алайхассалом)га фахш иш, гуноҳ ва айб билан тухмат кила бошладилар, унга маъсият ва кабиҳ ишни юкламокчи бўлдилар, биз билганимиздек,

у зот буларнинг барчасидан пок эди, у зотнинг исми хам насли хам, насаби хам пок эди. У лабларини очмади, гапирмади, сукут саклашни лозим топди, гапиришни тўхтатди. Сўнгра чакалокка ишора килди ёки мана бу болага гапиринглар деди. Унинг ўзи билан сўзлашинглар, (яъни чакалок билан) у эса барча саволларингизга жавоб беради. Одамлар унинг бу ишидан ажабландилар. Албатта, у чакалокка ишора киларди. У сўзлай оладими? Кавм яна бир бор хайратланди, улар уни фахш иш килган ва уялганидан сўзлашишни хохламаяпти, деб билгандилар, нима учун кичкина болага ишора килади? Унинг бу ишорасидан хамма кулиб юборди, сукут саклаган холда айтмокчи бўлган сўзини масхара килдилар, сўнгра ажабланганларича шундай дедилар: **«Бешикдаги гўдак ила кандай гаплашамиз?»** » У

лар ўзларининг масхара охангларию ажабланишларида давом этдилар. Лекин улар учинчи марта хайратда қолишларини ҳеч ўйлаб кўрмагандилар. Чунки улар Аллохнинг кудратини ҳисоб-китоб килмагандилар. Мана шундай холда бир неча лахза ўтмай Аллох кичик чакалокни бундан олдин онаси уни туккан кунда гапиртирганидек уларнинг олдида хам гапиртириб кўйганидан кейин вазият ўзгарди!! Мана энди у лабларини кимирлатди ва айблар хамда ёлгон тухматларни ундан бартараф этиш учун ўз онасини улардан химоя қилишга уринди. У деди: «

Албатта, мен Аллохнинг бандасиман. У менга китоб берди ва мени Пайгамбар килди; Мени, каерда бўлсам хам, муборак килди. Модомики хаёт эканман, намоз ва закотни адо этмокни тавсия килди; Мени онамга меҳрибон килди ва жабр-ситами килгувчи, бадбахт килмади; Менга тугилган кунимда хам, ўладиган кунимда хам ва кайта тириладиган кунимда хам, салом бордир»

. Эй укаларим, мана бу ўша жавоб эди. Бу онасининг шарафини химоя қилиш эди, албатта, кичкина чакалок бизга ўзимизни кандай химоя қилишни ўргатди, у одамларга: «Онам хато килган эмас, сизлар хато қилдинглар, демади. Балки уларга хато қилаётганларини тушунтирди, ўз сўзини жуда чиройли сўз ила бошлади: «

Албатта, мен Аллохнинг бандасиман»

. Ёки «Албатта, мен сизлар каби инсондирман ва Аллохнинг сизларга юборган мўъжизасиман». Марям улкан мўъжизанинг такрорланишидан ва кичик ўглининг сўзлашидан хам афзалроқ бўлган химояга мухтож бўлармиди? Албатта, уларнинг ақидаларининг (тушунчаларининг) ислох қилиниши – бу онаси (алайхиссалом) пок эканининг исботидир. У сўзларнинг энг афзали ва маъноларнинг энг чиройлиси ила гапирмадимми? Бу эса одамларнинг килган тухматидан онаси пок эканига далил бўла оларди, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Албатта, у – Аллохнинг бандаси, Аллох уни отасиз яратди, Аллох ҳар нарсага қодир бўлган Зотдир, Одамни ота-онасиз яратган хам Унинг Ўзидир. Шу ерда кавм ўзига керакли сабоқни олдилар, хато бўлган гумонларини ўзгартирдилар, бу кичик боланинг буюк ишлари борлигини ва келажакда катта бўлиб улар каби бўлганида уни барчага етказишини билиб олдилар.

Вахий

Марям Ийсо алайхиссаломни тарбиялай бошлади. Бола катта бўлди, унда кичиклигидаёқ нубувват (пайгамбарлик) белгилари кўрина бошлади, мана шундай холда у кичикларга истеъмол килаётган нарсаларини ва уйларида беркитиб кўйган нарсаларни айтиб берарди , у кундан-кунга хикмат ва кўплаб янгидан-янги нарсаларни ўрганиб борарди. Сўнгра Аллох унга нубувват ва рисолатни ато этди ва унга Бани Исроилни янгидан Аллохга ва иймонга даъват қилишни буюрди. Эй Расулulloх, уларга, яъни Ислом таълимотларидан четга чиқиб кетган кавмга боринг, (рисолани) уларга етказинг, уларни Аллохга даъват қилинг. Ийсо (алайхиссалом) боради, Аллох кўплаб мўъжизаларни ато этади. Масалан, қушни яратиш, ўликни тирилтириш ва Аллохнинг изни ва қудрати ила тугма кўр ва песларни тузатиш.

Хаворийлар

Унинг даъватини ўзларини дўзах оловидан қутқаришни ва Аллохнинг раҳматига эришишни хоҳлаган оз сонли одамлар қабул қилдилар, улар Аллохга хақиқий иймон келтирдилар, расул Ийсо (алайхиссалом)га ҳам иймон келтирдилар, Аллох субханаху ва таоло унга ато этган мўъжизаларга иймон келтирдилар. Булар мўминлардир, Аллох уларни «Хаворийлар» деб номлади, улар пайгамбарлари Ийсо (алайхиссалом)га даъват, сабр ва (даъватни) етказишда шерик бўлиш учун шошилган эдилар. Лекин шу билан бирга, улар иймонларига иймон кўшилиши учун иймонлари янада зиёда бўлишига эҳтиёжлари бор эди, бунинг оқибатида нима бўлганини биласизларми?

Моида (дастурхон)

Албатта улар пайгамбарларидан яна бир бор кичик бир нарсани талаб килиб шундай дедилар: «Роббинг бизларга осмондан дастурхон тушуришга кодирми?» Ийсо деди: «Аллохдан кўркинглар, Аллохнинг кудратига шак-шубха кияпсизларми?» Улар дедилар: «Йўк, биз ундан емокчимиз ва у билан калбларимизни тинчлантиришни хохлаймиз». Улар бунда каттик туриб олдилар, Ийсо (алайхиссалом) барчаларига егулик бўлиши ва Аллохдан эса оят хамда мўъжиза бўлиши учун уларга осмондан дастурхон туширишини сўраб Роббисига дуо килди, Аллох иймонлари янада мустахкам бўлиши ва мўмин бўлган холларида Аллохга бокий ибодат килиб колишлари шарти билан дуони кабул килади. Шундай килиб, Аллох уларга дастурхон туширди, улар едилар ва хурсанд бўлдилар, уларнинг иймонлар янада кучайди, улардан бошка кўпчилик иймон келтирди, иймон неъмати учун Аллохга хамд бўлсин.

Нихоя

Ийсо даъватини давом эттирди, унга эргашганлар ва ёрдам берганлар кўпайди, лекин Бани Исроилдан бўлган кофирлар, яъни яхудийлар унга карши чикдилар ва озор етказдилар, каерга борса, уни ва унга эргашганларни кийнаш учун уларни таъкиб килдилар, шундай холатда улар охири бундан олдин Яхёни ва кўплаб набийлар ва пайгамбарларни ўлдирганлари каби уни хам ўлдиришга карор килдилар. Ийсога куфр келтирганларнинг барчалари Ийсо (алайхиссалом)ни кидирдилар, уни тутганга эса мол-мулк, мукофот бор эди. Яна мукофот килиб пул хам берилар эди. Албатта, улар ўзларини иймонга даъват килган элчини тутишни хохлардилар. Нима учун? Уни ўлдириш учун. Улардан бирининг Расулуллох Ийсо (алайхиссалом)га кўз тушди, уни узокдан кўрди ва кичкириб нидо килади: «Келинглар, мана ўша Расул, уни тутиб олинглар. Уни

тутинглар». Шу ерда Аллохнинг раҳмати келади, Аллох ўзининг бандаси ва Расулини кофирлар орасидан куткариб олади, уни осмонга кўтаради. Ерда эса, албатта, Масих Ийсо (алайхиссалом)га далолат килган нарсани Аллох Масихнинг суратига ўхшаш суратда килиб кўйди, кофир одамлар уни пайгамбар деб ўйладилар, унга ташландилар, уни осиш, ўлдириш ва катл килишда кеч колмадилар.

Аллох рост сўзлади:

«Холбуки уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди»

Эй суюклиларим, биз эса Ийсо (алайхиссалом)ни Пайгамбаримиз Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га иймон келтирган холда ер юзига тушишларини интизор бўлиб кутамиз. Бу воқеа Киёмат кунидан олдин бўлади. Вассаламу алайкум ва раҳматуллохи ва барокатуху.